



БАНДЛИГИ ТАЪМИНЛАНМАГАН ЁШЛАР ЎРТАСИДА ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Эгамбердиев Воҳиджон Отабекович
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси
Хуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти кафедраси
катта ўқитувчиси майор
Каримов Умиджон Отабек ўғли
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси 311-гуруҳ
курсанти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.14288040>

ARTICLE INFO

Received: 29 th November 2024

Accepted: 1st December 2024

Published: 4 th December 2024

KEYWORDS

Ёшлар, хуқуқбузарлик, профилактика, вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва хуқуқбузарлик, ёшлар ўртасида хуқуқбузарликлар.

ABSTRACT

Мақсур мақолада бандлиги таъминланмаган ёшлар ўртасида хуқуқбузарликлар профилактикаси тушунчалари, мақсад ва вазифалари, бандлиги таъминланмаган ёшларнинг жамият ҳаётидаги аҳамияти, бандлиги таъминланмаган ёшлар ўртасида хуқуқбузарликлар профилактикасига оид норматив-хуқуқий нормалар тахлили ва уларни қўллаш амалиёти.

Мустақиллик йиллари мамлакатимизда барча соҳаларда изчил ислоҳотлар амалга оширилди. Шулар қатори ёшлар таълим-тарбияси, айниқса улар орасида жиноятчилик ва хуқуқбузарликларнинг олдини олишга алоҳида эътибор қаратилди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъбири билан айтганда, “Бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлар самараси, авваламбор, юксак маънавиятли, мустақил фикрлайдиган, Ватанимиз тақдири ва истиқболи учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир ёш кадрлар сафини кенгайтиришга бевосита боғлиқ”¹.

Ёшлар таълим-тарбияси масаласи жамиятда ҳамisha долзарб аҳамият касб этиб келган. Чунончи, ҳар қайси миллат, давлатнинг келажаги ёшлар билан чамбарчас боғлиқ. Уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, мақсадларини рўёбга чиқариш, турли зарарли иллатлардан асраб-авайлаш жамият равнақининг муҳим мезонлари саналади. Шундан келиб чиқиб, сўнгги йилларда хуқуқбузарликларнинг содир этилиш сабаблари ва шартшароитларини ўрганиш ҳамда уларни ўз вақтида бартараф этиш, аҳолининг барча қатламлари, хусусан, ёшларнинг хуқуқий маданиятини ошириш, уларда қонунга ҳурмат, қонун бузилишининг ҳар қандай кўринишига муросасизлик туйғусини сингдириш йўли билан хуқуқбузарликларнинг барвақт профилактикасини амалга ошириш ишлари самарали йўлга қўйилди. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 июлдаги “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги фармонида ёшларга оид давлат сиёсатини изчил ва самарали амалга ошириш, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, хуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича аниқ вазифаларнинг белгилаб берилганини алоҳида эътироф этиш жоиз.

¹ Президент Шавкат Мирзиёев. “Миллий тикланишдан - миллий юксалиш сари” 122-бет.

Маълумки, юртимиз ёшларини она ватанимизга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, айниқса ўсиб келаётган авлодни диний ақидапарастлик, терроризм, экстремизм ғояларидан ҳимоя қилиш – долзарб вазифа саналади. Бугунги кунда жаҳонда рўй бераётган воқеаҳодисалар ҳар биримизни ёшлар таълим-тарбияси масаласига бефарқ бўлмасликка ундайди. Дунё бўйлаб мафкуравий таҳдидлар, зўравонликлар, жиноятчиликнинг турли кўринишлари авж олаётган ҳозирги шароитда ушбу масалага бир четдан қараб туриш, кўз юмишга ҳеч сафини кенгайтиришга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикасининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги (14.05.2014 й.) қонунига мувофиқ, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси деганда, ҳуқуқ-тартиботни сақлаш ҳамда мустаҳкамлаш, ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, уларга барҳам бериш, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиш сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш мақсадида қўлланиладиган ҳуқуқбузарликлар умумий, махсус, яқка тартибдаги ва виктимологик профилактикасининг ҳуқуқий, ижтимоий, ташкилий чора тадбирлари тизими² ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти асосан ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиш сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, ўрганиш, бартараф этиш (зарарсизлантириш), ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлганларни тарбиялаш, жисмоний шахсларнинг ҳуқуқбузарликдан жабрланувчига айланиши хавфини камайтиришга йўналтирилади.

Замонавий илм-фанда олимлар М. Усмоналиев ва Й. Каракетовлар: жиноятчиликнинг олдини олиш деганда, жиноятчиликни, алоҳида турдаги жиноятларни ҳамда аниқ жиноятларни аниқлаш, уларни камайтириш, шароит ва сабабларни бартараф қилишга қаратилган ҳамда шахсларнинг яшаш муҳити ёки хулқи жиноят йўлига ўтиб қолиши ёки жиноий фаолиятга қайтаришига олиб келувчи шароитларни бартараф қилишга қаратилган кўп босқичли давлат

ва жамоат чоралари тизимини тушунади³. Мазкур ҳолатда улар асосий эътиборни жиноятларнинг содир этилиши ва жиноят содир этишга мойил шахслардаги жиноий хулққа қаратиб, уларни бартараф этишни назарда тутган. Бу эса профилактиканинг таъсир кўрсатиш доирасини торайишига олиб келган. Ваҳоланки, жиноятлар содир этилишида жабрланувчиларнинг ҳам тутган ўрни алоҳида аҳамият касб этади ва уларга ҳам профилактик таъсир кўрсатиш зарурати мавжуддир⁶.

Профессор И. Исмаилов тадқиқотларида вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси – давлат ҳокимияти органлари, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи, унда иштирок этувчи давлат органлари ва муассасалари ҳамда фуқаролик жамияти институтларининг ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган вояга етмаганлар ва оилалар, уларнинг жиноий фаолиятга жалб этувчи шахсларни аниқлаш, улар содир этаётган жиноятларнинг сабаб ва шароитларини бартараф этиш, шунингдек улар яшаётган ва таълим олаётган жойларда ижтимоий-руҳий муҳитни соғломлаштириш мақсадида амалга оширилаётган тарбия, ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш, ижтимоий-ҳуқуқий назорат воситалари орқали профилактик таъсир чораларини қўллашдан иборат давлат сиёсати даражасида амалга ошириладиган алоҳида фаолият⁴, “вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси – вояга етмаганлар

² Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги (14.05.2014 й.) қонуни.

³ Усмоналиев М., Каракетов Й. Криминология: Дарслик. — Т., 2001. — Б. 248.

⁴ Исмаилов И. Вояга етмаганлар жиноятчилигининг криминологик тавсифи ва профилактикаси // Криминология. Махсус қисм: Дарслик / Муаллифлар жамоаси. — Т., 2015. — Б. 15.

томонидан қонун билан тақиқланган ижтимоий хавфли қилмишлар содир этилишини тақозо этувчи сабаб ва шароитларни келтириб чиқарувчи, озиқлантирувчи, жамиятда ижтимоий ҳодиса сифатида унинг бўлишини тақозо этувчи ҳодиса, воқеа, жараёнларни камайтириш, зарарсизлантириш, чеклаш ва бартараф этиш бўйича давлат сиёсатини белгилаш ва уни амалга ошириш ҳамда такомиллаштиришга қаратилган комплекс ижтимоийҳуқуқий жараён”⁵;

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг аҳамияти ҳақида гап борар экан, жиноятчилик ва жиноятларни олдини олиш; жиноятчиликка қарши кураш; суд томонидан берилган жазонинг ижросини таъминлаш. биринчи йўналиш – жиноятларнинг олин олишни улар мазмунига кўра бутун жамият ва алоҳида ижтимоий субъектлар томонидан жиноятлар сабабларини аниқлаш, бартараф этиш ёки уларнинг жиноий хусусиятларини ва таъсирини йўқотиш, зарарсизлантириш, шу жумладан жиноий хатти-ҳаракатлар қилган ёхуд шундай хатти-ҳаракатларни содир қилишга мойил бўлган шахсларга тарбиявий таъсирини қўллашдан иборат.

Ёшлар билан ишлаш ҳаёт-мамонт масаласидир. Шунинг учун мамлакатимизда ёшларни баркамол этиб тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Фарзандларимизни бугунги таҳликали даврда турли ёт ғоялар таъсиридан ҳимоялаш, ёшларнинг фикрларини бировлар эгалламасдан туриб, уларга ўзимиз ғамхўрлик ва тўғри йўл кўрсатишимиз зарур.

Жумладан, эндиликда, ёшлар билан индивидуал ишлашни жадаллаштириш, жамиятдан ажраб қолган, ҳаётда ўз ўрнини тополмаётган, ёт ғоялар таъсирига тушиб қолган ёшларни фаол ҳаётга қайтариш олдимиздаги энг муҳим вазифа бўлиб турибди. Белгиланган йўналишлардан келиб чиқиб, фаолият юритаётган маҳаллам ҳудудидаги бандлиги таъминланмаган давлатнинг ғамхўрлиги ва эътиборини кутаётган ҳамда кўмакка муҳтож ёшлар билан алоҳида иш ташкил этиш, уларни касб-хунарга ўқитиш ва бандлигини таъминлаш Шунингдек, маҳалладаги ёшлар ўртасида маънавий-маърифий ва ватанпарварлик руҳидаги тадбирлар, ёшлар сайллари ташкил этиш бўйича янги дастур ишлаб чиқишдан иборатдир.

Хулоса ўрнида бандлиги таъминланмаган ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси такомиллаштириш юзасидан дунёда ахборот асри бўлганлиги сабабли уюшмаган ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш мақсадида турли ижтимоий тармоқлардан унумли фойдаланиш чора-тадбирларини кенг кўламда қўллаш, ёшларни ватанга муҳаббат, она юртимизга садоқат руҳида тарбиялаш мақсадида, шу мазмундаги видео, кинолар, рекламаларни ижтимоий тармоқларда кўпайтириш чора-тадбирларини кўриш ва ижтимоий тармоқлардан олиб болриляётган ислохотлар ҳақида маълум қилиб бориш. бандлиги таъминланмаган ёшларнинг бандлигини таъминлаган тадбиркор ва иш берувчиларга турли соҳаларда имтиёзлар жорий қилиш тизимини қонун ҳужжатларига мувофиқ ташкил этиш. Ички ишлар органлари томонидан ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган, ғайри ижтимоий ҳуққ атворли бандлиги таъминланмаган ёшларни аниқлаб, улар билан яқка тартибдаги профилактик чора тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Фойдаланган адабиётлар

1. Президент Шавкат Мирзиёев. "Миллий тикланишдан - миллий юксалиш сари" 122-бет.

⁵ Исмаилов И. Вояга етмаганлар жиноятчилигининг криминологик тавсифи ва профилактикаси // Криминология. Махсус қисм: Дарслик / Муаллифлар жамоаси. — Т., 2015. — Б. 16.

2. Ўзбекистон Республикасининг «Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги (14.05.2014 й.) қонуни.
3. Усмоналиев М., Каракетов Й. Криминология: Дарслик. — Т., 2001. — Б. 248.
4. Исмаилов И. Вояга етмаганлар жиноятчилигининг криминологик тавсифи ва профилактикаси // Криминология. Махсус қисм: Дарслик / Муаллифлар жамоаси. — Т., 2015. — Б. 15.
5. Исмаилов И. Вояга етмаганлар жиноятчилигининг криминологик тавсифи ва профилактикаси // Криминология. Махсус қисм: Дарслик / Муаллифлар жамоаси. — Т., 2015. — Б. 16.
6. Гадоймиров Б. О. вояга етмаганлар ўртасида фирибгарлик жиноятининг сабаблари ва унинг олдини олиш //Analysis of world scientific views International Scientific Journal. – 2024. – Т. 2. – №. 3. – С. 39-44.
7. Гадоймиров Б. якка тартибдаги профилактик чора-тадбирларни қўллашдаги муаммолар //Development of pedagogical technologies in modern sciences. – 2022. – Т. 1. – №. 6. – С. 19-22.
8. Эгамбердиев В. О. Жиноятнинг махсус субъекти ва унинг жиноий жавобгарлигига доир ҳуқуқий нормаларни такомиллаштириш масалалари //Journal of innovations in scientific and educational research. – 2022. – Т. 5. – №. 4. – С. 518-527.
9. Эгамбердиев В., Мамадиёров Д. Профилактика инспекторининг вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларни олдини олиш фаолияти //Актуальные вопросы обеспечения прав женщин и предотвращения насилия в семье в Узбекистане. – 2024. – Т. 1. – №. 1. – С. 78-82.

INNOVATIVE
ACADEMY